



2-бет



3-бет

4-5-бетлар

6-бет

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 214 (10.017)

2003 ЙИЛ 4 НОЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИШ

● **КЕЧА** Собир Раҳимов туманидаги «Гузарбоши» маҳалласида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ташаббуси билан маҳалла фуқаролари иштирокида аҳолини табиий ва техноген офатлар содир бўлган вазиятларга тайёр туриш ва жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатишга ўргатиш мақсадида ўқув-семинари уюштирилди.

● **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги 15-спорт мактабида шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида Тошкент шаҳар биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

● **БУГҮН** Республика Байналмилал маданият марказида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида давом этаётган республика фестивалининг Тошкент шаҳар босқичида Беларус, Болгар, Рус, Украин миллий-маданий марказлари ўзларининг канцерти томошалари билан иштирок этдилар.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

«Тяляна» хусусий фирма-сида тикилаётган эркаклар кийим-кечаклари ички бозорда харидорғирлиги билан ўз ўрнини топмоқда.

СУРАТДА: тикувчи Шохида Абдурахмонова ва уста Анна Белорусцева маҳсулот сифатини таъминлашда муҳим ҳисса кўшишади.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.



ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ: НАТИЖА ВА ИСТИҚБОЛ

Пойтахтимизда «Обод маҳалла йили: натижа ва истиқбол» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Германиянинг Конрад Аденауэр ҳамда Фридрих Науманн фондлари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Фуқароларни ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб модели бўлган маҳалла институти мамлакатимизда кўп асрлардан буён мавжуд. Боқий кадрларимиз, бекорлар миллий аъёнларимиз, ёшлар тарбияси билан боғлиқ барча жиҳатлар айнан маҳаллада шаклланиб келган. Шу боис-

дан маҳаллаларимиз фаолияти бугунги кунда жаҳоннинг ривожланган давлатларида ҳам катта қизиқиш уйғотаётди.

Мустақиллик йилларида фуқаролик жамиятининг мустақам асоси барпо этилишига катта эътибор қаратилаётди. Бунда маҳаллаларимизнинг ҳуқуқий ва иқтисодий мақомини янада юксалтириш ўзига хос аҳамият касб этади. Шу мақсадда қабул қилинган Обод маҳалла йили дастурига биноан бугунги кунда юртимиздаги барча маҳалла оксодолларининг ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишга эътибор қаратилмоқда.

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тижорат банклари кредит линиялари орқали 32 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда маблағ ажратилди. Бу эса ўз навбатида оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши, янги иш ўринларининг барпо этилиши, маҳаллаларда ишлаб чиқариш цехлари ва савдо-хизмат шохобчаларининг барпо этилишига сабаб бўлмоқда.

Анжуманда Обод маҳалла йили натижалари, маҳаллалар фаолиятини ислоҳ этишнинг истиқболлари, ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид илғор мамлакатлар тажрибаси атрафлича муҳокама этилди.

БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) буюртмасига кўра Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДХ мамлакатларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги тадқиқ этилди. Маълумотларда соғлиқни сақлаш, мактаб ва касб-хунар техник таълимга сарфланаётган давлат харажатлари ҳажми Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонда энг юқори экани алоҳида қайд этилган. Таълим тизимига йўналтирилган маблағлар даражаси бўйича Ватанимиз жаҳоннинг етук мамлакатларига яқинлашиб бораётгани таҳсинга лойиққидир.

Маълумки, давлатнинг тараққиёти таълим-тарбияга бўлган эътибори билан белгиланади. Шу босм мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ таълим соҳасини ислоҳ этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, Ўзбекистоннинг кадрлар тайёрлаш борасидаги давлат сиёсати комил шахс ҳамда пухта билимли, рақобатбардош мутахассис тайёрлашга қаратилган. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ҳаётга ижтимоий этилаётган ижобий ўзгаришлар айна пайтда бутун дунёда таълим соҳасидаги ислохотнинг «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилаётди. Сабаби, соҳадаги ислохотлар узвий, изчил, босқичма-босқич, энг асосий, ўзимизга хос ва мос тарзда, миллий менталитетимиз инноватга олинган ҳолда амалга оширилаётди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ юртимизда умумий ўрта ва олий таълимни ўзаро боғловчи янгича тизим — ўрта махсус, касб-хунар таълими жорий этилди. Ушбу тизимнинг афзаллиги — мутахассислар юртимиз иқтисодиёти,

меҳнат бозори чўқур таҳлил этилган ҳолда, талаб ва эҳтиёжга қараб тайёрланади. Ўқувчи чўқур илм ўрганиши баробарида бир вақтнинг ўзида бир неча касбни эгаллаш имконига эга. Бу иқтисодий-

ЖАҲОН ЭЪТИРОФИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

тимиз тараққиётда муҳим ўрин тутиши билан бирга ҳудудларо мутахассислар тақсимотидаги номуносибликка чек қўймоқда. Вазирлар Маҳкамасининг шу йилнинг 29 октябрь кунни эълон қилган «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тизимдаги ислохотлар янада такомиллашади. Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказидан ЎЗА муҳбирига хабар беришларича, ўтган вақт мобайнида янги турдаги уч йиллик таълим муассасаларини ташкил этиш, давлат таълим стандартларини яратиш, за-

монавий педагогик технологияларни жорий этиш, лицей ва коллежларнинг моддий-техника базасини яратиш борасида талай хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, жаҳон андозлари даражасидаги 51 академик лицей ва 428 касб-хунар коллежи қуриб, фойдаланишга топширилди. Шу мақсадда ўтган беш йил мобайнида республикамиз бюджетидан 500 миллиард сўмдан зиёд капитал маблағ сарфланди.

Тизимнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари — давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, касб-хунар коллежларининг умумтаълим ва махсус фанларидан ўқув режалар, академик лицейлар учун тармоқ стандартлари, бошқа ўқув-услубий мажмуалар изчиллик билан яратилди. Педагог ва муҳандис-педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ислоҳ этишга катта эътибор қаратилаётди. Олий таълим муассасалари ва таълим марказларида 37 мингдан ортиқ педагог қайта тайёргарликдан ўтди. 34,8 минг нафар педагог ва муҳандис-педагог доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларига малака оширди.

Тизим учун давлат таълим стандартларига мос 346 номда 3,49 миллион нусхада янги ўқув адабиёти, 58 номдан ортиқ электрон дарслик ва компьютер дастури яратилиб, айни кунда ўқув жараёнида самарали қўлланилмоқда.

Давоми 2-бетда.

XXI сағоси

Барча мамлакатлардан олган сўзга хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча Оқсаройда Украина Ташқи ишлар вазирини Константин Гришченконни қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча АКШнинг Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази консултанти, АКШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича собиқ маслаҳатчиси Збигнев Бжезинскийни қабул қилди.

● Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Украина Ташқи ишлар вазирини Константин Гришченко Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов ҳамда Республика Ташқи ишлар вазирини Содиқ Сафоев билан учрашди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологиялар маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорликда «Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси — илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий омил» мавзусидаги илмий-амалий семинар кўрғазмани ташкил этишди.

● Қашқадарё вилояти Чирокчи тумани миришкорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома-режасини бажардилар.

● Мамлакатимизнинг энг шимолий ҳудудида деҳқончилик қиладиган қораўзаклик пахтакорлар Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб йиллик шартнома-режасини бажардилар.

● Нурота тумани марказида кишлоқ хўжалиги мутахассисларини тайёрлайдиган 900 ўринли касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди.

Жаҳонда

● Фаластин Мухториятининг бош вазир Аҳмед Курей Исроил бош вазирининг юқори даражадаги учрашуви ташкил этиш тўғрисидаги тақлифини қабул қилишга тайёр эканлигини билдирди.

● БМТнинг гивандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг ижрочи директори Антонио Мария Коста бугунги кунда Афғонистон жаҳондаги ноқонуний қора дорининг 75 фоизидан кўпрогини тайёрлаётганини ўз маърузасида маълум қилди.

● Дунё олимлари Арктика қитъасининг тезда эриётганини қайд қилмоқдалар. Бунинг оқибатида саҳролар кенгайиши, тошқинлар бўлиши, абадий музликнинг шимол томон кечиниши тезлашиши, жаҳон океанлари суви кўтариллиши ва бошқа табиий жараёнлар бўлиши мумкин.

Қонун ва ижро

**ШИРКАТЛАР
ФЙДАСИГА
УНДИРИЛДИ**

Шахримизда кўплаб уй-жой мулкдорлари ширкатлари тузилган. Улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунига кўра ташкил этилган бўлиб, истиқоматчилардан уй-жойдан фойдаланганлик учун тўловларни ўзлари қабул қилиб олишади ҳамда тушган пуллари режага асосан уй-жойларни жорий, лозим бўлганда капитал таъмирлаш, орасталикни сақлаш, мавсумий иситиш ва бошқа мақсадларда ишлатишади... Бугунги кунга келиб баъзи ширкат аъзолари коммунал хизматлардан фойдаланганлик учун ҳақларни турли важ-қорсонлар билан ўз вақтида тўла-масликлари оқибатида қарздорлар сафидан жой олмоқдалар.

Хусусан Собир Раҳимов туман суд ижрочилари бўлинмаси суд ижрочиларининг ижро иш юритувига 2003 йил бошидан буён туманда фаолият юритаётган ширкатлар томонидан кўплаб ширкатлар фойдасига қарз ундириш тўғрисида ижро ҳужжатлари келиб тушган.

— Ҳозирги кунгача туман суд ижрочилари бўлинмаси ижро иш юритувига жорий йил бошидан 703 та ижро ҳужжатлари келиб тушган бўлиб, — дейди Собир Раҳимов тумани суд ижрочилари бўлинмаси катта суд ижрочиси Абдулазиз Абдурахимов, — унда Собир Раҳимов туманидаги ширкатлар фойдасига фуқаролардан 63.700.281 сўмлик пул ундирилиши белгиланган.

Шундан «Суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддасига асосан 428 та, 40.311.755 сўмлик ижро ҳужжатларининг тўлиқ ижроси таъминланган, пул тўлиқ ундирилган. Ушбу Қонуннинг 24-моддасига асосан 1 та, 26871 сўмлик ижро ҳужжати ноқонуний тарзда суд ижро бўлинмасига келиб тушгани сабабли Шайхонтоҳур туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига қайтарилган.

40-моддага асосан 32 та, 2.895.087 сўмлик ижро ҳужжатлари қарздорларнинг кўрсатилган манзилда яшамаслиги ёки кўчиб кетганлиги ҳамда умуман ундириш имкони бўлмаганлиги сабабли ширкатларга қайтарилган, 65 та, 4.877.330 сўмлик ижро ҳужжатлари Қонуннинг 25-моддасига асосан қарздорларнинг иш жойларига ва нафақаларидан ундириш учун юборилган.

Бугунги кунга қадар Собир Раҳимов тумани суд ижро бўлинмасида 177 та 15.589.238 сўмлик ижро ҳужжатлари мавжуд бўлиб, ижро ҳаракатлари олиб борилмоқда. Қарздорлар ушбу тўловларни тўлашда бosh тортсалар ва тўламасалар «Суд ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 82-моддасига асосан 54 400 сўмгача миқдорда жарима солингани ҳолда уларнинг мол-мулкига қаратиш белгиланган.

Хуллас, ширкатга аъзо бўлган ҳар бир фуқаро коммунал хизматлар учун ҳақни ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда тўлаши шарт. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, хонадонда истиқомат қилмаслик ва ундан фойдаланмаслик мулкдорни умумий мулкка нисбатан мавжуд мажбуриятлардан озод этмайди.

(Ўз мухбиримиз)

ЖАҲОН ЭЪТИРОФИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Давоми. Боши 1-бетда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 23 сентябрдаги қарорининг 1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастурига асосан билим даргоҳларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Шу мақсадда ўрта махсус, касб-хунар таълим даргоҳлари 26,81

миллиард сўмлик меъбел, ўкув лаборатория ва техник жиҳозлар билан таъминланди.

Миллий дастурда белгиланган вазибаларни рўёбга чиқаришда Япония, Германия, Исроил, Испания, Бельгия каби хорижий давлатлар, кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, Жанубий Корея кредит лойиҳаси доирасида 32 миллион АҚШ долларлик ўкув-лаборатория жиҳозлари олинди. Сўнгги русумдаги компьютер,

автомобил, тренажер, радио-электроника, кимё, физика, астрономия, биология синфлари учун лаборатория жиҳозлари келтирилди.

— Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилгани ва изчиллик билан ҳаётга жорий этилаётгани мамлакатининг келажак тараққиёти учун жуда зарур ва муҳим аҳамиятга эга, — деди Германия билан ҳамкорликдаги «Касб-хунар таълими ривожланишига

кўмак» лойиҳаси раҳбари Томас Люкс ЎЗА мухбирига. — Негаки, таълим мамлакат фаровонлигини таъминлашнинг асосий шартини санайди. Гувоҳманки, юртингизда ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида бир қанча давлатлар билан ҳамкорликда йирик лойиҳалар муваффақиятли амалга ошириляпти. Шу жиҳатнинг ўзи Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ислохотлар нечоғлик самарали кечаётганидан далолат.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ҚИШ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

РЕЖАЛИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ

Маъмур ширкат 2000 йилда ташкил топган бўлиб, унга 16 та кўп қаватли уй-жойлар бириккан. Улардан 4 таси 9 қаватли, 1 таси 16 қаватли ҳамда қолганлари 4 қаватли йиллардан иборат. — Ширкатимиз ташкил топгандан буён ҳамжиҳатликда ягона, аниқ мақсад — уй-жойлар ҳолатини яхшилаш, намунали хизматни ташкил этиш йўлида жамоамиз ва 720 та хонадонлар эгаларининг саъй-ҳаракатлари ўз самарасини бермоқда, — дейди биз билан суҳбатда «Адолат-коммунал» ширкати раиси Шухрат Ражабов. — Яъни, аҳоли ўрта-сидда ўз ва жамоа мулкига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш туйғусини шакллантириш, уй-жойларни саранжом-саришта сақлаш, авайлаб-асрашга ўргатиш борасида ҳам кўплаб ишлар қилинмоқда.

Қиш тайёргарликни ёқтиради, деб бежиз айтишмайди. Ширкатимиз ходимлари ҳам ана шунга амал қилган ҳолда март ойида бошланган хонадонларнинг иситиш тизимларини ювиш-профилактика қилиш ишларини июнь ойида тугаллашди. Уйларнинг ертўласидаги иссиқлик бўғини ва унга тушаган жойларга янги ускуналар, яъни беркиттич, вентиль ва бошқа ашёлар ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Тошкент шаҳар ҳокимининг ҳамда Юнусобод туман ҳокимининг қарорларига асосан Юнусобод-2 даҳасида жойлашган «Адолат-коммунал» ширкатида қарашли 21-уй капитал таъмирланди. Таъмирлаш ишлари ширкатнинг маблағи ҳисобига амалга оширилди. Шунингдек, ширкат тасарруфидаги 16-уйнинг томини капитал таъмирлаш учун 1 миллион сўмлик рублиройд ажратилди. Ушбу уйнинг таъмирида ангилки жорий этилди. Яъни, том шифер ҳамда темир мосламалар билан уйғунлашган ҳолда янгича усулда таъмирланди.

Аънавий 1 йиллик кафолат энди бемалол 10-15 йилга чўзилади. Ушбу уйни Тошкент шаҳар ҳокимлигининг масъул ходимлари келиб кўришди ва ширкатимизнинг энг кўли гул устаси — чилангар-сантехник Муҳаммаджон Жалоловга ҳокимлик томонидан 2 хонали уйнинг қалити топширилди.

Шунингдек, ширкатга қарашли 14-уй ҳам капитал таъмирланди. 6-, 14 «а», 21-уйларнинг ертўлалари тартибга келтирилиб, эшиклар беркитилди. Йўлакларга темир эшиклар ўрнатилиб, томга чиқиш жойларига люклар ёпилди. Бундан ташқари, 14 «А», 17, 18, 20, 21, 32, 33-уйларнинг том ва ертўлалари эса жорий таъмирланди.

Ширкатнинг 16 кишилик аҳил, иноқ жамоасининг ҳар бир аъзоси ўз ишига масъулият билан ёндашади. Аввало хонадон эгалари қишин-ёзин қулай шароитларни яратиш билангина чекланмай, уйларнинг ён-атрофлари, ҳовли, йўлакларни ораста сақлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига яшовчиларни ҳам жалб қилган ҳолда эътибор қаратилади. Чикинди ташланадиган жойлар тартибга келтирилган, ахлатлар ўз вақтида олиб кетилишига эришилди. Уйлар олдидаги ноқонуний қурилишларга барҳам берилган.

Қундалик буюртмалар тажрибали, ўз ишининг моҳир усталари ҳисобланган чилангар, пайванчи ва чилангар-сантехниклар, хушмуомала диспетчер Тамара Рагозина зиммаларига катта масъулият юклайди. Шу боисдан ҳам уларнинг ишларини пухта ва ўз вақтида бажаришлари ҳар доим назоратда. Негаки, қўл учида, мен-

дан кетгунча қабилида бажарилган иш эртага панд бериши аниқ, яшовчиларнинг ҳам ишончи йўқолиши мумкин. Хуллас, ширкат аъзоларининг барча саъй-ҳаракатлари уйларнинг намунали турар жой бинолари қаторидан жой олиши, истиқомат қилувчиларнинг эса ширкат истиқболига ишонishi, биргаликда аҳил, иноқ яшаш шароитини яратишга қаратилган.

Жорий йилда ширкат жамоаси томонидан амалга оширилган хайрли ишлардан бири 15-, 16-уйлар олдида Болалар майдончасининг қурилиб, хонадон эгаларининг фарзандларига тортиқ қилинган бўлди. Унда футбол, волейбол майдончалари, турник, брус ҳамда шахмат-шашка ўйинлари учун алоҳида жиҳозланган жойлар мавжуд.

Шунингдек, таъмирга муҳтож 120 метр квадрат йўл асфальтланди, ирригация шохобчалари, ариқлар, йўлаклар тозаланиб, тартибга солинди. «Тошшаҳарнур» бошқармасининг туман бўлими томонидан турар жойларнинг белгиланган жойлари ёритиш мосламалари билан таъминланди.

— Ёз бўйи ширкатимизда қиш мавсумига қизгин тайёргарлик ишларини кўнглидагидай, пухта бажаришга асосий эътиборни қаратганмиз, — дейди ширкат раиси Шухрат Ражабов. — Керакли барча юмушлар кўзда тутилган режа асосида бажарилди, ўтган йилги камчиликларга, синовлар натижасида аниқланган ҳолатларга барҳам беришга эришилди. Ходимларимиздан бош ҳисобчи Лилия Ли «Тез-жоғликнинг иши бежоғлик», деган нақлга амал қилиб иш юритишда, ширкат раҳбари ўринбосари Муборак Шерматова, тажрибали кассир-бухгалтер Гулнора Каграмановалар меҳнати алоҳида таҳсинга лойиқ. Фаррошлардан Марям Йўлдошева, Фарид Турсунова ва Қўрғонбой Холмуродовлар ишидан турар жой эгалари жуда мамнунлар. Чунки уйлар йўлакларини, ён-атроф доимо ораста, саранжом-саришта.

Эътиборли томони шундаки, ширкат аҳли яшовчилар билан яхши алоқалар ўрнатган. Ҳар бир уйга бошқарувчилар сайланган. Улар билан биргаликда аҳоли ўртасида уй тўловлари бўйича тушунтириш тарғибот ишлари олиб борилади. Шунингдек, ҳар чорақда аҳолига ҳисоб-китоблар ҳақида ҳисоботлар берамиз ҳамда бошқарув аъзолари қилинажак, энг муҳим бўлган ишлар режасини тузиб оламиз. 8-, 16-, 18-уйлар бошқарувчилари Эркин Фозилов, Татьяна Серябрикова, Алексей Гришинлар ишдаги яқин ҳамкорларимиз ҳисобланадилар. Барча ишларимизга яшовчилар бир ёқадан бош чиқариб ёрдам беришса, уюштирилган ҳашарларда фаол қатнашса, маҳалла янада обод, хонадон аъзолари тинч-хотиржам ва ўзлари хушнуд бўладилар.

Дарҳақиқат, кундалик ишлар, кўзланган режаларни бажариш йўлидаги саъй-ҳаракатлар «Адолат-коммунал» ширкатидаги каби яшовчилар билан бамааслаҳат, уларнинг кўмагига таяниб олиб борилсагина қўтилган натижага эришиш мумкин. Айниқса, ширкат раҳбари тажрибали, замон талабига мос равишда тадбиркор бўлса, нур устига нур.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: «Адолат-коммунал» ширкати
фаолиятдан лавҳалар.
Ҳақимжон Солихов олган суратлар.



Санъат

БОҒ УЗРА
ЯШИЛ ШАРЛАР
ПАРВОЗИ

«Ҳуноқи шарлар парвозда» деб номланган байрам тадбири болажонларда завқ-шавқ уйғотди. «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасининг ўн йиллигига бағишлаб пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида уюштирилган бу шодиёнинг мароқли бўлишига Ўзбекистон Бадий академияси ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

Тадбир давомида «Тошоша» болалар ансамбли, «Семург» рақс гуруҳи концерти дастурлари ҳам намойиш қилинди. «Орзу» клубининг ёш моделчилари техник ижодкорлиги кўргазмаси ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортди.

«Камалак» ҳаваскор рассомлар студияси намойиш қилган расмлар ҳам болажонларда яши таассурот қолдирди.

ИТАЛИЯЛИК
КЎШИҚЧИЛАР
ҲАМКОРЛИГИДА

Таниқли кўшиқчи, санъаткор Мансур Тошматов бадий раҳбарлик қилаётган ижодий гуруҳ ўзбек эстрадасининг сардори ва хушовоз хонанда Ботир Зокиров номи билан аталади. Ҳозир унинг концерт репертуарида кўплаб кўшиқ ва мусиқалар бор. Яқинда улар сони яна бир нечтага орди. Булар Италиядаги «Роберто Магрис Джоз Квартет» томонидан ижро этиб келинаётган асарлардир.

Гап шундаки, бу таниқли квартет жаз санъати фестивалида қатнашиш учун Тошкентга келди. У Ботир Зокиров номли ижодий гуруҳ билан томошалар кўрсатди. Айни вақтда ўз дастуридаги 12 та концерт номерини Тошкентга олиб келган эди.

ЯНГИ
ОПЕРЕТТА
СПЕКТАКЛАРИ

Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри ўзининг янги ижодий мавсуми давомида бир нечта асарини ўз мухлисларига тақдим этади. Янги постановка қилинган мусиқали комедия ҳам шулар жумласидандир.

Бу спектаклнинг премьераси муваффақиятли ўтди.

«Мамат-Гончар» деб номланган мусиқали эртак спектакли ҳам театр репертуаридан ўрин олди.

Акбар АЛИЕВ

ТАДБИРКОРЛИК

ХОРИЖГА ҲАМ
ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ

Йилига 600 минг метр квадрат керамик сопол плиткалар ишлаб чиқариб, республикамиз ички бозорини сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўшаётган «Агро-керамика» Ўзбек-Италия қўшма корхонасининг буюртмачилари сони бугунги кунда тобора ошиб бормоқда.

Ушбу қўшма корхона 1998 йилда Италиянинг «Велко Индустриал СПА» ва «Драйтон» фирмалари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Инвестиция бош бошқармаси ва «Бинокор» қурилиш конструкциялари акциядорлик жамиятлари томонидан қўшилган 2 миллион 200 минг АКШ долларлик улуши ҳисобидан ташкил этилган эди.

Қўшма корхона ҳар икки томондан ажратилган маблағ эвазига кундан-кунга ривожланиб боради. Ҳозирги кунда корхонада 12 рангдаги плиткларнинг 2 хили ишлаб чиқарилмоқда.

Маҳсулот тайёрлаш учун хом ашёнинг 95 фоизи республикамизнинг Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларидан, атиги 5 фоизи эса Италия ва Испания давлатларидан келтирилади.

Корхона цехларига Италиядан келтириб ўрнатилган барча техника-технологиялар замонавий, компьютерлаштирилган бўлиб, маҳсулот сифатини таъминлашда қўл келади.

— Бизда иш жараёни икки сменада олиб борилади, — дейди корхона раҳбари Темур Аҳмедов. — 107 нафар ишчи-хизматчиларимизнинг барчаси малакали мутахассислар ҳисобланиб, уларнинг

ҳар бири ўзларига тегишли ишни яхши билади ва шунга кўра масъулият билан меҳнат қилади. Жумладан, Владимир Баяв, Равшан Мамуталиевлар ана шундай гайрат-шижоатли, ўз касбининг усталари ҳисобланишади. Бугунги кунда тадбиркорлар тайёрлаётган маҳсулотлар ички бозоримизда ўзининг муносиб ўрнини топган. Шунингдек, «159-трест» ҳиссадорлик жамияти, «Паркентсувқурилиш» трести ҳамда Сурхондарё вилояти капитал қурилиш бошқармалари корхонанинг доимий буюртмачилари саналади. Келгусида корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни Россия Федерацияси, Қозоғистон, Тожикистон, Афғонистон давлатларига экспорт қилиш учун икки томонлама шартномалар ҳам имзоланган.

Орзуғул РУСТАМОВА СУРАТЛАРДА: корхона техник назорат текширувчиси Замира Сиддиқова иш устида; ташқи пардозловчи Унсоиё Рақшева ҳамда моҳир уста Галина Конновалар пардоз сифатини текширмоқдалар; тайёр маҳсулотлар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



• БАНК

ПЛАСТИК КАРТАНИНГ
ҚУЛАЙЛИКЛАРИ

Тошкент метрополитенида «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банкининг сўмлик пластик карталари воситасида йўл ҳақини тўлаш тизими жорий этилганига қарий 2 ой бўлди. Лекин, карта эгаларида сўмлик пластик карталарига хизмат қилувчи «тўлов турникетлари»дан тўғри фойдалана олиш ҳусусида саволлар пайдо бўлмоқда. Пластик карталар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимлари бошқармасидан хабар беришларига қараганда, метрополитенда «Асака банк»нинг сўмлик пластик карталари билан бир қаторда, яна бешта тижорат банки, яъни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Халқ банки, «Пахтабанк», «Ўзприватбанк», «Узуйжойжамгармабанк»нинг сўмлик карталари ҳам тўлов учун қабул қилинмоқда.

Тизим лойиҳалаштирилаётган вақтда мутахассислар олдида метрополитенда ҳаммиша одамлар гавжум бўлгани сабабли тўловга кетадиган вақт имкон қадар қисқа бўлишини таъминлаш вазифаси қўйилган эди. Австриянинг BGS SmartCard Systems AG компанияси ишлаб чиққан «тўлов турникети»нинг дастурий таъминоти катта имкониятларга эга бўлгани учун бу мақсад рўёбга чиқди. Тўлов жараёни батамом автоматлаштирилган, бирор-бир «туғмача» босилмайди. Тўлов вақтида карталар воситасида одатдагидек, операция суммаси ва парол киритилмайди. Турникетнинг олди панелидаги экранга қараб йўловчи тўлов ўтаётганини кўриб туради. Катта қизил индикатор ва жажигина яшил лампочка-

нинг ўчиб-ёниб туриши турникет ишга шай бўлиб турганидан далolat беради. Пластик карта турникетга қўйилганида бир неча сония мобайнида ўтиш мумкинлигини кўрсатувчи катта яшил индикатор ёнади. Мабоудо, бирор-бир сабабга кўра тўлов ўтмаган бўлса, яшил индикатор ўрнига кичик қизил индикатор ёнади. Шунга қараб йўловчи ўзи карта олган банкка мурожаат қилиши лозимлигини билиб олади.

Тўлов турникети картани қабул қилмаслигининг бир нечта сабаблари бўлади, жумладан, илгари пароллар нотўғри киритилгани учун картанинг «йўли ёпилган» ёки тизимда карта ҳақиқий ёхуд сохта эканлигини текшириб кўрмасдан, ижозат берилган операция сони-

нинг мўлжалдагидан ортиб кетиш ҳоллари шулар жумласидандир. Шунингдек, тўлов қабул қилинмаслигининг энг кўп тарқалган сабабларидан бири, картанинг очик қолдиғида тўлов учун пулнинг йўқлигидир. Гап шундаки, сўмлик картада иккита қолдиқ бор. Булар ёпиқ ва очик қолдиқ деб аталади (ҳамёнда ҳам иккита бўлма борку, бирига йирик пулни, иккинчисига эса майдороғини солиясиз). Мижозлар биринчи қолдиқдан одатда, кўпроқ фойдаланадилар. Чунки банкдаги ҳисобварақдан пул «туширилаётганида» у муҳофаза этилган қолдиққа автоматик тарзда келади. Шу қолдиқ билан ҳар қандай операциялар ўтказиш учун паролларни киритиш лозим бўлади. Иккинчи қолдиқ пул кам харжланадиган харидлар учун жуда қулайдир. Чунки унда чоғроқ пулни сақлаш мумкин. Иккинчи қолдиқ билан операциялар ўтказилаётганида паролни киритиш зарур эмас. Шунинг учун ҳам метрода парол билан муҳофаза этилмаган қолдиқдан фойдаланилади. Пул маблағларини ёпиқ қолдиқдан очик қолдиққа ўтказиш осонгина бажарилади. Бу юмушни банккомат ёрдамида ёки банк филиалларида бажарса бўлади.

Бир сўз билан айтганда янги тизимнинг афзал томонлари кўп ва ўйлаймизки, у вақт ўтгани сайин оммалашиб бораверади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

• ТАДБИРЛАР

ЭНГ ЯҚИН ДЎСТ

Куни кеча Тўқимачилик ва енгил саноат институтида Обод маҳалла йилига бағишланган «Оила, мактаб, маҳалла, талаба концепцияси» мавзуда маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда Яқкасарой туманидаги «Ракат» маҳалласи фаоллари, хотин-қизлар, тумандаги 135-мактаб ўқитувчи ва маърифат, институт талаба-ёшлари иштирок этишди. Йигилганларга туман «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими раиси Мухаббат Фозилова, туман ижтимоий кўнлик маркази бошлиғи Ҳақима Фозиева, туман прокурори ўринбосари Роза Абдуллаевалар бугунги кунда ёшлар тарбияси учун муҳим бўлган турли мавзуларда маърузалар қилишди.

— Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад, оила, мактаб, маҳалла ва ўқув юртлари ўртасида узвий боғлиқликни юзага келтириш ва ёш авлодни тўғри тарбиялаш, уларнинг ота-онаси, эл-юртига хизмат қиладиган фарзандлар бўлиб вояга етишига замин яратишдир. — Маҳалла ёшларга энг яқин дўст, ростгўй тарбиячи ва ишончли суянчиқ бўла олади, — дейди «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази бошлиғи Ханифа Тўлаганова.

Давра суҳбати билан бошланган тадбир ўқувчи ва талабалар иштирокидаги сахна кўринишлари, куй-қўшиқлар билан яқун топди.

Сабоҳат УСМОНОВА

«Ватан—остонадан бошланади», дейди доно халкимиз. Остона — бу бизнинг уйимиз, маҳалламиздир. Маҳалла эса юртнинг ободлиги, ривож ва муҳофазаси борасида асосий бўғин вазифасини ўтамоқда. Ҳозирги кунда аҳоли ва қишлоқ хўжалиги объектларини табиий, техноген ва бошқа хил тусдаги фавкулда содир этилиши мумкин бўлган воқеа-ҳодиса ва офатлардан сақлаш йўлида катта ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, хизмат фаолиятини мустаҳкамлаш мақсадида шаҳар ҳокимининг қарори билан Ўрта Осиёда ягона «Кутқарув хизмати»нинг тузилиши эса яна бир муваффақият омили бўлди.



• ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ

ПУХТА САБОҚ БЕРИЛМОҚДА

Бизнинг шаҳар Фавкулдада вазиятлар бошқармасининг Маҳалла ва ширкатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Бахтиёр ХАЙДАРОВ билан суҳбатимиз ҳам бошқарманинг маҳаллаларда олиб бораётган ишлари ҳақида бўлди.

— Бошқармада шаҳар аҳолига табиий ва сунъий офатлар содир бўлганда қандай ҳаракат қилиш, ана шундай ноҳус воқеа ҳодисаларининг олдини олиш, авария-қутқарув хизмати этиб келгунга қадар биринчи ёрдам кўрсатиш ҳақида тўлиқ тушунча беришга ҳаракат қилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавкулдада вазиятлардан муҳофазаси қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»-ги ҳамда «Тошкент ва сел оқимлари, кўчи ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорларининг шаҳар ҳудудида бажарилишини таъ-

минлаш борасида ва юзага келиши мумкин бўлган фавкулдада вазиятларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда маҳаллалар муҳим ўрин тутати. Шу кунгача 11 та туманининг 9 тасида, яъни Чилонзордаги 43 та, Акмал Икромов туманидаги 46 та, Юнусовда жойлашган 50 та, Мирзо Улугбек туманидаги 49 та маҳаллаларда давра суҳбатлари, ўқув машғулотлари ўтказилди. Маҳаллада истиқомат қилаётган аҳоли ўртасида фавкулдада рўй берадиган вазиятлар, яъни табиий, техноген ва экологик тусдаги фалокатлардан ўз-ўзини асраш ва бундай вазиятлар вужудга келганда қандай чора-тадбирларни қўллаш кераклиги ҳақида тўлиқ маълумотлар берилди.

— Ҳозирги кунда шаҳарда фавкулдада вазиятлар бошқармасининг нечта маслаҳат маркази фаолият кўрсатмоқда?

— Шаҳарда биринчи бўлиб

ўтувчи ариқлар, каналлар, оқова сувлар, портлаш ва ёнғин хавфи бор бўлган кимёвий-заҳарли моддалар билан ишлайдиган корхоналар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиб, улар билан мунтазам иш олиб борамиз.

Бугунги кунда кўп қаватли уйларида ҳамшаҳарларимизнинг ўзбошимчалик билан уйнинг асосий таянч бўғинлари бўлган устунларини олиб ташлаб, қайта таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бораётганлиги кишини ташвишга солади. Бизга маҳаллалардан қўллаб аризалар келиб тушмоқда. Уларнинг ақсариятида айрим хонадон соҳибларининг ҳеч қандай хавфсизлик чораларига амал қилинмасдан иш олиб боришаётгани ҳақида ёзишмоқда. Биз бориб, воқеа тафсилоти билан яқиндан танишиб, ҳар бир соҳанинг ўз мутахассисини бу ишга жалб қилган ҳолда хулосаларимизни мунтазам ташкилотларга топширмоқдамиз. Бунга ҳам аҳоли хавфсизлигини таъминлаш йўлида ишга жиддий ёндоқиш талаб этиладиган мавзу деб ўйлайман.

Яқинда Ўзбекистон миллий боғида икки кун мобайнида бўлиб ўтган тадбирда аҳоли фавкулдада вазиятларда қутқарув хизматининг қанчалик аҳамиятли эканлиги, биринчи табиий ёрдам кўрсатиш ҳақида яхши тушунчага эга бўлди. Ўқув машғулотларида корхона, ташкилот, ўқув юртли ва маҳаллалардан жуда кўп вакилларнинг иштироки этиши фавкулдада ходисалар ва уларнинг олдини олиш каби тушунчалар кенг халқ оммасига этиб бораётганидан далолат бермоқда.

Ниятимиз — вақтида ҳар бир инсонни тўсатдан содир этилиши мумкин бўлган табиий офатларга тайёр туришга тайёрлаш, уларнинг олдини олиш ва аҳолига тез ва вақтида ёрдам кўрсата олишдир. Бошқарма бошлиғи, полковник Эргаш Икромов бошчилигида туну кун сергаклик, тезкорлик билан иш юритишга бел боғланамиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон миллий боғида ўтказилган мусобақа ва «Янги Камолон» маҳалласида бўлиб ўтган давра суҳбатидан лавҳалар. **Сергей Любчик ва Ҳакимжон Солихов олган суратлар.**

Ҳамза туманида қадамларидан ўт қайнайдиган, ўзининг ширин сўзи ила барчаннинг кўнглини оладиган бир опа бор. Уни Умуржон опа дейишади. Маҳаллага бориб тополмадик. Юмуш билан чиқиб кетибди. Бироз уларнинг келишини пайқадик. Узқондан қоралари кўринди. Кимлар биландир ҳолаҳвол сўрашиб, кимларгадир юмуш буюриб, атрофни кўздан кечириб келарди.

— Ассалому алайкум опахон. Жойингизда ҳам ўтирмайсиз-а?, — деб бироз гина қилгандек бўлди.

— Ваалайкум ассалом қизим. Яхши келдингизми? Жойимда ўтириб ишлаб бўларканми? Юриб ишлаш керак, юриб. Бўлмаса иш юришмайди. Юринг, хонага кириб гаплаша қоламиз, — дея ая бизни маҳаллага идорасига бошлади.

— Мана қилган ишларимни девордаги фотостендлардан кўриб, ёзиб оласиз. Керакли маълумотларни котибам Гулнора Бигашевадан оларсиз. Мен маҳалламизнинг «янги» биносидан, таъмирларидан хабар олай. Уша ерда кутаман, — дея кетдилар.

— Опагиз 35 йил Мудофаа вазирлигида алоқачи бўлиб ишлаган. Ўзим ҳарбий бўлиб кетган. Ҳечам ўтиролмайдилар, — дея

қулиб изоҳ берди Гулнора опа. — Маълумот керак бўлса мендан, қолганларини мана шу деворий фотостендлардан оласиз энди.

Ҳақиқатан опанинг қилган ишлари мақтовга лойиқлигига тан бердик. Опа Усмон Носир маҳалласига мана беш йилдирки раиса. Ушбу маҳалла 1991 йилда ташкил толган бўлиб, 5 минг аҳоли, 1700 та хонадон, 17 та кўп қаватли уйлар мавжуд. Маҳалланинг кўрки «Мамлакат» супермаркети ҳисобланади. Маҳалла аҳли учун кичик дўкончалар, дорихона, «Янги-обод» деҳқон бозори, пойабзал таъмирлаш ус-хонаси, 255-мақтаб, 558-боғча, Сартарошхона ва новвой-хоналар хизмат кўрсатади.

Маҳаллада ўтказилаётган барча байрам тадбирларга супермаркет раҳбари, саховатпеша инсон Анвар Каюмов ёрдам бериб туради. Маҳалладагиларнинг кўпчилигини иш билан таъминлаган, ёрдам муҳтож инсонларнинг ҳол-аҳволидан хабар олган ҳам Анвар ака экан. Маҳаллада хотин-қизлар комиссияси раиси, посбонлар сардори, котиба, усмирлар ва ёшлар билан ишлаш комиссияси аъзолари опага

ҳамжиҳатлик билан ёрдам беради. Умуржон опанинг елиб-югуришида, фидойилигида жон бор. Чунки маҳалланинг ўз биноси йўқ бўлиб, яқинда бир жойни олишиб, у ерни

қўлдан келган ёрдамларини аямаяптилар. Опа усталарини тушликка юбориб, ўзи бизни пойабзал таъмирлаш устaxonасига бошлади.

— Мана қизим, иккита таъмирчим бор. Иккаласига ҳам энг кам таъминланган оилаларнинг аъзоларини, ҳеч қандай йўқ ёлғизларнинг пойабзалларини маҳалла қарори билан бепул таъмирлаш учун бериштириб қўйганмиз. Маҳалламиздагилар савоб ишдан қочишмайди. Сартарошларимиз ҳам шундай. Илоё, барчаси омон бўлсин.

Яқинда биринчи қаватдан аёллар сартарошхонасини очамиз. Манави чорпоялар эса кексалар ҳордиқ чиқариб, бир пайла чой ичиб ўтиришсин, дея қилинди. Атрофга гуллар бўлсин, дея қилинди. Атрофга гуллар бўлсин, дея қилинди. Атрофга гуллар бўлсин, дея қилинди. Атрофга гуллар бўлсин, дея қилинди.

Опа заҳматқаш инсон. Уни Фахрий ёрликдаги куйидаги сўзлардан ҳам билса бўлади: «Халқимизнинг миллий ва маънавий қадриятларини эъзозлаш ва тарғиб қилиш, энг яхши удум ва анъаналарини

оммалаштириш, маҳалла, ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш, одамлар қалбига Ватанини севиш, улуғлаш, ҳаётни қадрлаш, оилани мустаҳкамлаш, фарзанд тарбияси, истиқлолимизнинг улғувор аҳамиятини инсонлар онгига етказиш борасидаги меҳнатларини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг муборақ 11 йиллиги ҳамда анъанавий «Маҳалла куни» байрами муносабати билан Ҳамза тумани У.Носир номидagi маҳалла раиси Умуржон Саъдуллаева Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бошқаруvinинг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланади».

— Опа, кўнглингиздан кечаётган хис-туйғулар ҳақида айтинг.

— Ўзим адабиётни яхши кўраман. Келинг, уни шеър билан ифодалай қолай.

**Мени кутаётир ажиб келажақ,
У менинг иқболим, менинг бахтимдир.**
Мен кўрмаган бахтни кимдир кўражақ,
Мен айтмаган сўзни айтмажак кимдир.
Хонбиби ҲИММАТ қизи

Маҳалламиз — ота-онанг

ХУВАЙДО МАҲАЛЛАСИ ЙИЛНОМАСИ

Ҳаётда Ватан, оила ва фарзандлардан азизроқ ва қадрлироқ неъмат йўқ. Халқимизнинг фаровон яшashi эса билимдон, юксак маънавиятли, маърифатли бўлишимизга боғлиқ.

Ҳар биримиз ўзимизнинг бой ва бетакрор тарихимизни, буюк қадриятларимизни яхши билишимиз ва эъзозлашимиз лозим. Лекин дунё ва Ватан тарихидан хабардор бўлиш билан бир қаторда ўзимиз яшаб турган маҳалла ҳақида ҳам ахборотга эга бўлсақ нур устига аъло нур бўлади.

Шайхонтохур туманида жойлашган Хувайдо номили маҳалла юртимиздаги файзли гўшалардан бири ҳисобланади. Маҳалла шoir номида бўлганидан кейин, унинг кўпгина кўчалари ҳам шоирлар ва олим фузалар билан исми билан аталади. Бири Мирзо Бедали, бошқалари Хиромий, Махтумқули, Ал-Хоразмий ва Эшон Бобохон. Ораста бир кўча эса Бобур Мирзо авлодларидан бўлиши

Жаҳоноро номида. Барча кўчалар обод, тинч, сарилта.

Бу маҳалла 40 ёшга тўлсада, не-не зотларга маскан бўлмаган дейсиз. Айниқса кексаларини бири-биридан беозор, дурғой десак жора бўлади. Раим ота деган афандисифат бир отахон ўтган. Аҳли маҳалла ҳамон ёдда сақлайди ундайларни. Аслиддин ота деган чойхоначини ҳам маҳалладошлари қалби тўлиб эслайдди.

Маҳаллада фан докторлари, номдорлиги, ишбилармонлари тадбиркорлар истиқомат қилишлари унинг янада обод, файзли ва маърифатли гўшага айланишига муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса новвойлар, турфа хунар эгалари маҳалла учун ҳамма-ша обрў келтиришади. Маҳаллага фан доктори Фотих ота Асқаров раҳбарлик қилиб келмоқда. Оқсоқол ҳамда маҳалла жонқуярларидан бири Обидхўжа Ортиқхўжаевнинг сай-ҳаракатлари билан кунни кеча «Менинг маҳаллам Хувайдо» номили мўъжазгина китоб нашр этилди. Унда маҳаллага оқсоқоллик қилган кишиларнинг суратлари, фаолиятлари берилган. Маҳалла кўчаларига номлари қўйилган шоир фузаларнинг ҳаёт йўллари ҳам акс этган. Турли маколалар қатори ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи Ўзбекистон халқ шоири Пўлат Мўминнинг ҳам ўз маҳалласи тўғрисидаги шеър китобчадан ўрин олган. Унда куйидаги сатрларни ўқиймиз.

Мўлоҳаза

ШАРҚОНА ТАРБИЯ МАСКАНИ номига муносиб бўлсин

Маҳалла ўзбек халқи асрлар давомида авайлаб сақлаб келган миллий урф-одатлари, расм-русумлари, удум-анъаналари, иқтисодий турмуш тарзи, маданияти, бир сўз билан айтганда маданий-маънавий дунёси акс этган маскандир.



Мустақил диёримизда бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига алоҳида эътибор қаратилган. Маҳаллаларнинг янада ривож топиши, одамларнинг ҳуқуқий саводхонлиги йўлида кўп сай-ҳаракатлар қилинмоқда. 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб номлангани ҳам биллар мобайнида ажодларимиз ҳаётга сингиб кетган миллий-маданий анъаналар ва урф-одатларни қадрлаш, ўз тарихига, она заминга, тупроғига ҳурмат каби юксак туйғуларни янада ривожлантириш борасида муҳим омил бўлади.

Ушбу йилда юрак тўлиб айтиш мумкинки, маҳаллаларда жуда катта юмушлар амалга оширилди. Ободонлаштириш, шаҳримизни гулзору-чаманзор масканга айлантириш йўлидаги юмушлар шу юрт фарзанди бўлган ҳар бир инсон қалбига гурур уйғотиши шубҳасиздир. Ютуқларимиз, дунёга кўз-кўз қилишга арзийдиган муваффақиятларимиз кўп. Лекин бу мукамал бахтга эришиш, ҳеч қандай қамчилигимиз йўқ дегани эмас. Уш ишларимизга ташқаридан қараб, ҳолис баҳолайдиган бўлсақ ҳали қилиниши лозим бўлган юмушлар қанча. Маҳалланинг қандай бўлишига биринчи навбатда қўни-қўшилар муносабати, оилаларнинг тинчлиги ва ёшларнинг оилавий ҳаётга ахлоқ ва руҳан қандай тайёрланганлигига боғлиқдир. Ахир «Ен қўшни — жон қўшни», «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшнинг афзал», «Қўшнинг тинч — сен тинч» каби мақоллар бежиз айтилмаган.

Чунки Обод маҳалла йиллигида ҳам ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган маҳаллалар, одамларни назар-писанд қилмайди, кибру хаволи, каландимог, халқ дарду ташвишини эшитишга вақт тополмайдиган оқсоқоллар ҳали ҳам оз бўлсада учраб туриши ҳеч кимга сир эмас.

Ўзим 42 йиллик меҳнат стажига эга бўлган ўқитувчи эканлигим сабабли фарзандларимизга аввало тарбия оилада берилишини ҳисобга олиб айтмоқчиманки, оила тинч бўлса, ота-она баҳамжиҳат, аҳил-иниқликда, бир-бирини суяб умр кечирса, тарбия ҳам шундай бўлади. Маҳалланинг қандай бўлишига биринчи навбатда қўни-қўшилар муносабати, оилаларнинг тинчлиги ва ёшларнинг оилавий ҳаётга ахлоқ ва руҳан қандай тайёрланганлигига боғлиқдир. Ахир «Ен қўшни — жон қўшни», «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшнинг афзал», «Қўшнинг тинч — сен тинч» каби мақоллар бежиз айтилмаган.

Мана эрта-индин маҳалла оқсоқоли ва маслаҳатчиларининг сайловлари бўлиб ўтди. Маҳаллада яшовчи ҳар бир фуқаро мана шу сайловнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етатиши? Ким маҳалла оқсоқоли бўлиши керак қабилидаги қаволларнинг туғилиши табиий.

Бизнингча, оқсоқол ўз маҳалласида яшовчи халқнинг том маънодаги отаси бўлиши, уларнинг дарди, ташвиш-ўйларидан ҳамқирин, сабр-қидам билан ҳар қандай мушкул вазиятни бартараф қила оладиган инсон бўлиши лозим. Тадбиркор, илмли, ночор кишиларга

ТАКЛИФ

Дўмбиробод кўчасининг бошлангидаги бекатга Борсам маҳалладошлардан Асил ака ва Шукур ака ўтириштипти.

БИР ҚУЛАЙЛИК БЎЛДИЮ, АММО...

— Кўпдан бери турибмиз, на троллейбус келади, на автобус, — дейди Шукур ака.

— 80-автобус тез-тез келиб, шу кўчанинг нариги бетида одамларни тушириб, бир-икки йўловчи билан чап томонга бурилиб кетаяпти. У Дўмбирободга юрганида бу томонда йўловчилар кўп бўларди. Мен ҳайдовчилар, чиптачилар билан гаплашганимда улар ҳам хурсанд эди, — деди Асил ака.

— Маҳалламиз аҳолисининг бундан қувонгани ҳаммасидан яхши бўлувди, — деб мен ҳам гапла аралашдим.

Кичик халқа йўлининг учинчи қисми бунёд этилиши Бошланги, Фарход кўчасининг Саломатин кўчасидан Юсупов кўчасига бўлган қисмида таъмирлаш ишлари бошлангандан сўнг 80-йўналишдаги автобуслар Дўмбирободга ўтадиган бўлди. Шунга қараб кўчанинг керакки, бу нарсга жуда тўғри бўлган эди.

Тошкентдаги энг катта маҳаллалардан бири — ўн саккиз мингдан ортиқ аҳолиси бўлган Дўмбиробод маҳалласи ахлининг 80-автобус маҳалла ҳудудига ўтганидан мамнунлигини таъкидлашга ўтиш жоиз. Бу қулайлик вақтинча бўлиб қиқди. Саксонинчи автобус йўли таъмирлаш битиши билан яна эски жойига бурилиб кетадиган бўлиб қолди. 80-автобус Машинасозлар бекатидан чиқиб, 16-поликлиникага келганида бум-бўш бўлиб қолади.

Демакки, оиланг тинч-маҳалланг тинч. Ватан обод. Инсофу диёнат, одобу-ахлоқ, оилму урфон ҳукмрон бўлган жойда ўсиш, юксалиш, келажақ сари дадил одим бўлади. Шундай экан биз ҳам шундай етатишимиз? Ким маҳалла оқсоқоли бўлиши керак қабилидаги қаволларнинг туғилиши табиий.

Бизнингча, оқсоқол ўз маҳалласида яшовчи халқнинг том маънодаги отаси бўлиши, уларнинг дарди, ташвиш-ўйларидан ҳамқирин, сабр-қидам билан ҳар қандай мушкул вазиятни бартараф қила оладиган инсон бўлиши лозим. Тадбиркор, илмли, ночор кишиларга

Сабоҳат ЯКУБОВА, олий тоифали ўқитувчи.



ТАДБИРЛАР

ҚАРОРЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

«Обод маҳалла йили» дастурининг бажарилиши ҳамда маҳалланинг давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги роли ва мақомини янада мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, кекса авлодга эътибор ва гамхўрликни кучайтириш каби вазифаларнинг амалга оширилиши борасида кейинги пайтларда шахримизга кўплаб ишлар бажарилмоқда.

Кўни кеча Чилонзор туманидаги «2-Чарх камолон» маҳалласида шундай мақсаддаги тадбирлардан бири бўлиб ўтди. У Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва «2-Чарх камолон» маҳалла фаоллари ҳамкорлигида ташкиллаштирилди. Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад, Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада табиий-ижтимоий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбиялашнинг устивор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 2003 йил 25 августдаги ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2003 йил 15 сентябрдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»-ги қарорларини ҳаётга татбиқ этиш ва тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш эди. Тадбирни Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Рихситилла Ақромов кириш сўзи билан очиб, ушбу масалаларнинг бугунги кундаги аҳамияти ва моҳияти тўғрисида атрафлича тўхталиб ўтди. Маърузачи оилаларнинг мустаҳкамлиги ҳамда келажақ авлоднинг саломатлиги борасида ҳукуматимиз то-

монидан кўрсатилётган гамхўрликларни алоҳида таъкидлади.

Шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Миралишер Исмолов бугунги кунда табиий эҳсосида олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида атрафлича тушунча берди.

Тадбирга шаҳар наркологиya диспансери, туман тери-таносил диспансери, ОИТС маркази ва шаҳар силга қарши кураш диспансерларидан ҳам мутахассислар таклиф этилди.

Кизиқарли мулоқот давомида сўзга чиққан мутахассислар аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш, оналик ва боланинг ҳимоя қилиш, ноғиронликнинг олдини олиш, ёшларни никоҳга-қада табиий кўриқдан ўтказиш, туғини ёшидаги аёлларнинг саломатлигини муҳофазалаш борасида маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтишди.

Маҳалла ёшлари, хотин-қизлар иштирокидаги мазкур учрашув савол-жавоблар ва мунозараларга бой тарзда ўтди.

Сохиба УМАРОВА

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎРТАНИЙ

ДОМО ЎЙЛА...

Байт:

**Есам арпа нонини
меҳнат билан,
Шириндир бировлар-
нинг оқ нонидан.**

● Меҳнат кишини ерга урмайди, афсуски баъзан меҳнатни ерга урадиган одамлар учраб туради.

● Узини меҳнатдан озод қилиш — хиноят.

● Ишқмас ва текинхўр одамлар асал ари қутисиди даги захматкаш ари йиққан асални еб қўювчи текинтомоқ арига ўхшайдилар.

● Келажак бундан буён икки хил тоифа кишилар: ақлий фикр кишини ва меҳнат кишини қўлидадир. Аслида улар бир бутунликни ташкил этади, зеро фикрлаш меҳнат қилиш демасди.

● Меҳнатни севмаган, ялқов киши ҳар турли номақбул ишлардан тортинмайди.

● Бахтли бўлишнинг чораси меҳнатни севиш ва роҳатни меҳнатда кўришидир.

Байт:

**Эр киши меҳнат
билан иззат топар,
Қанча айби бор эса
меҳнат ёпар.**

● Меҳнатни севиш гайрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор: тан саломатлиги, кўнгил роҳати, зехннинг ортиши.

● Меҳнатни севмаган одам ҳар бир бузуқликни қилишга тайёрдир.

● Соғуқ темирни чўзиш — кемани биёбонда юргаз, отни сувда чоптириш мумкин бўлмагани каби, қўлдан келмаган ишга киришган одам ўзини кулгига қолдиради.

Байт:

**Қурби келмаган ишга
уринган —
Насибасиз, бахтдан
суринган.**

Хикоят:

Қадимги Эрон шоҳларидан Анушервон мажлисида Рум, Хиндистон ва эронлик уч файласуф ҳозир бўлиб, фалсафа, ҳикматда оид масалалар ҳақида баҳс этишарди. "Инсон учун энг оғир нарса нима?" деган саволга уч донишманд уч хил жавоб берди.

Румлик донишманд:

— Қариб, ёрдамсиз қолиш, тандастлик, — деди. Хиндистонлик ҳаким:

— Касаллик ва жуда қайғу аламли турмуш, — деб жавоб берди.

Эрон донишманди Бузуржмехр эса:

— Дунёда яхши ва ҳаммага мақбул-марғуб иш қилмай меҳнат билан тузуқ-қуруқ ошно бўлмай туриб етган ажал, — деди.

Бузуржмехр фикри мажлис аҳлига мақбул бўлиб тушди.

— Тўрт нарса ҳамма учун керак: саломатлик, гўзал ҳулқ, ростиғўйлик ва ҳалол меҳнат.

Байт:

**Хар кишида бўлса эр-
ликдан нишон,
Ҳеч бир одамга раво
қурмас зибн.**

— Менга мазкур улғу мукофот берилганидан бениҳоя хурсандман. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби олийларига ва барча Ўзбекистон халқига ўзимнинг чўқур миннатдорлигимни изҳор этаман.

Ушбу мукофот ортида нафақат менинг, балки икки мамлакат ҳамкорлигига ҳисса қўшаётган юзлаб кишиларнинг беминат меҳнати ётибди. Таълим соҳаси, хусусан, ёш кадрлар малакасини ошириш билан боғлиқ қатор лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этишда менга Ўзбекистон ва Япониядаги жуда кўп ҳамкасбларим яқиндан ёрдам беришаётганини таъкидлашни истардим.

— Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ҳақида сўз кетганда айнан нималарни қайд этишни истардингиз?

— 1996 йилнинг ёз фаслида Ўзбекистонга илк бор ташриф буюрганимда республика олдида турган муҳим иқтисодий масалалар таллайгина эди. Шулардан бири—Ўзбекистон Республикаси йирик халқаро молиявий ташкилотлар, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорликни такомиллаштиришга жиддий эътибор бераётган эди.

Уша пайтларда Банк-молия академиясидаги фаолиятимдан ташқари Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан алоқаларини кенгайтириш мақсадида республикангизга ташриф буюрган айрим япон делегацияларига раҳбарлик қилдим. Шу туфайли мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни янада чўқурроқ ўрганиш

ва уни бевосита кузатиш имкониятига эга бўлдим.

Сўнгги йилларда давлатингиз кўлга киритаётган муваффақиятлардан ниҳоятда хурсандман. Хусусан, Халқаро валюта жамғармасининг 8-моддасида белгиланган шартларни бажариш борасида жорий йилнинг 15 октябрдан бошлаб Ўзбекистон томонидан кўйилган муҳим қадам катта аҳамиятга эга. Мазкур воқеанинг гувоҳи бўлган халқаро ҳамжамият аъзолари ўзларининг самимий мангун

ги Япониянинг ушбу соҳа мутахассислари ва ишбилармонларида катта таассурот қолдирди. Биз бошқа мамлакатлардан айнан шундай киска ўқув ва малака ошириш курсларига келганлар орасида бу каби фаол ёшларни учратмаган эдик.

Ўзбекистонлик ёшларнинг ўз олдларига қўйган мақсадларига жиддий муносабатлари жуда кўп нарсдан гувоҳлик беради.

— **Жаноб Китамура, Ўзбекистонга илк ташрифингиз ёдингиздан кўтарилмаган**

• МИННАТДОРЛИК

ЯПОН ОЛИМИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Япония молия вазирининг махсус маслаҳатчиси, Япония Тараққиёт банкнинг бош ижрочи директори, Васеда университети профессори, Ўзбекистон Банк-молия академияси проректори Тошихару Китамура Ўзбекистоннинг яқин дўстларидан бири сифатида халқимизга яхши маълум. Илгари хабар қилинганидек, Президент Ислоҳ Каримов Фармони билан жаноб Китамура мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги катта ҳиссаси, республиканинг банк ва молия тизимига юқори малакали кадрларни тайёрлашдаги хизматлари учун «Дўстлик» ордени билан мукофотланди. Шу муносабат билан «Жаҳон» ахборот агентлигининг Токиодоги мухбири профессор Т. Катамура билан учрашди.

ликларини изҳор этишмоқда. Чунки бу каби тарихий муваффақиятга ҳеч бир давлат ўз вақтида осонликча эришмаган.

— Ўзбекистонда банк-молия тизими учун етук мутахассисларни тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида фикрингизни билишни истардим.

— Биз Банк-молия академияси орқали юздан зиёд мутахассисларни Токиога малака ошириш курсларига жалб этдик. Мухими уларнинг билимга чанқоқлиги ва тиришқоқли-

бўлса керак...

— Серқувш юртингиз дастлабки кунларданок, оддий сўз билан айтганда, мени ўзига ром этди.

Мен сизга бир воқеани хикоя қилиб бермоқчиман. Бундан бир неча йил муқаддам Фаргона водийсидаги Косонсой деган жойга борганман. Ушанда маҳаллий кишилар билан дарё ёқасида ўтириб, дастурхонга тортилан миллий таомлардан тановул қилаётган эдик. Улар билан дўстона суҳбат қизгин давом этар эди. Атрофимдаги оддий кишилар-

нинг бир пайтнинг ўзида турли мавзуларда- юрт тарихи, миллий маданият ва кундалик ҳаёт ҳақида мароқли гурунглашишни кузатиб, тўғриси, ҳам хузур қилганман, ҳам ҳайратда қолганман.

Минг афсуски, биз японлар бугунги кунга келиб ўзаро осойишта ва бафуржа суҳбат қуриш, айниқса, дўст-ёрлар орасида дилдан дўст ўтказиш каби одатларни деярли тарк этганимиз.

Японияга қайтганимдан кейин бу воқеа тўғрисида кўплаб кишиларга гапириб бердим. Улар «Ха, биз Японияда инсонлар учун ўта муҳим бўлган аънавий муносабатларни йўқотаяпмиз. Ўзбек халқи эса бу каби самимийликни кўз қорачигидек сақлаб келаяпти», дея бош сикитишган эди.

— **Шу йил ноябрь ойининг ўрталарига Тошкентга навбатдаги ташрифингизни режалаштираётган экансиз...**

— Мен бу гал Ўзбекистонга Япония молия вазирлигидаги ҳамкасбларим билан боришни мўлжаллаяман. Ташрифимиз чоғида республикадаги тегишли вазирликлар ва ташкилотларда учрашувлар ўтказиш, Банк-молия академияси, Навоий шаҳридаги иқтисодиёт коллежи ва бошқа ўқув даргоҳларида лекциялар ўқишни режалаштирганмиз.

Суҳбатимиз сўнггида эса мамлакатингизнинг ажойиб ёшлари ва ўзимнинг кадрдон шогирдларимга дунёдаги энг устувор орзу-ниятлар доимо йўлдош бўлишини тилаб қолам.

**Беруний АЛИМОВ,
«Жаҳон» АА,
Токио.**


• МАДАНИЯТ

ИНСТИТУТДА АДИБ МУЗЕЙИ

Тошкент Давлат маданият институти сеvimли ёзувчи Абдулла Қодирий номи билан аталаётгани бизга яхши маълум. Шу боисдан олий ўқув юртида атоқли адиб ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ маданий тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади.

Бу илм-фан даргоҳида Абдулла Қодирий музейининг ташкил этилиши ҳам айни муддао бўлди. Музей экспонатларга бой. Ёзувчининг ижодий йўли ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар ҳам кўзга аққол ташланиб туради. Адиб ҳақидаги эсдаликлар учун алоҳида жой ажратилган. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Иззат Султон каби йирик ёзувчи ва драматургларнинг устоз ҳақида айтган дил сўзлари билан ҳам танишиш мумкин. Музей экспонатлари олий ўқув юртида талабалар билан ўтказиладиган қатор амалиёт машғулотлари учун ҳам кўргазмали ўқув қуролига айланиб қолди.

(Ўз мухбиримиз)



Кўп ўқимок — дунёни англамоқдир.

ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлигида қидирув-қутқарув кучлари учун мўлжалланган жами 58 минг 179,5 АҚШ доллари миқдоридидаги кимёвий ҳимоя воситаларини қабул қилишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда АҚШ Мудофаа вазирлиги ва Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг масъул ходимлари иштирок этди.

Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш борасида катта ишлар амалга оширилгани, бу жараён узлуксиз давом этиб келаётганини нафақат халқимиз, балки кўпгина хорижий давлатлар ҳам эътироф этишяпти.

— Айниқса, Ўзбекистон бу борада АҚШ билан стратегик ҳамкорлик алоқалари ўрнатган давлатлардан бири бўлиб, у халқаро муаммоларни бартараф этишга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Шу ҳамкорлик самараси ўларок, АҚШ Мудофаа вазирлиги қошидаги Хавфни камайтириш агентлигининг Тошкент филиали томонидан "Оммавий қиргин қуролларини тарқатмаслик" халқаро дастури доирасида кўрсатилётган беғараз ёрдамини таъкидлаш жоиз, — деди вазирлик матбуот хизмати раҳбари Азамат Суюнов.

Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида 2001 йилнинг 5 июнида имзоланган "Мудофаа муносабатлари ва оммавий қиргин қуролларини тарқатишнинг олдини олиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида"ги шартномага мувофиқ, ўтган йилнинг июлида "Оммавий қиргин қуроли билан боғлиқ бўлган можароларда ҳаракат қилиш" халқаро дастури доирасида АҚШ Мудофаа вазирлиги, Федерал Қидирув Бюроси томонидан Ўзбекистон Қуроли кучлари тизимларига оммавий қиргин қуроллари ва хавфли моддалар билан ишлаш учун мўлжалланган махсус асбоб-ускуналар беғараз ёрдам сифатида берилган эди.

"Туркистон-пресс"

ЮКСАК МУКОФОТ СОҶИБИ

Ўзбекистон илмий жамоатчилиги ажойиб хушxabарнинг гувоҳи бўлди. Мамлакатимиздаги кўза кўринган кимёгар олим, академик Зокиржон Салимов "Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти"нинг биринчи даражали мукофоти билан тақдирланди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий ва ноорганик кимё институтига раҳбарлик қилиб келаётган олим пахтани қайта ишлаш ва ёғ-мой корхоналари худудлари хаво таркибида бўлган толали чанглари тўтиб, уларни бартараф этиш муаммоси билан боғлиқ тадқиқотларга қўл урди. Бу изланишлар натижасида совун ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ҳосил қилишнинг устурахам негизини яратиб имконини берди.

— Атоқли олим З.Салимов кимёвий технология жараёнлари ва қурилмалари соҳасида бўйича ўзига хос мактаб yaratган, — деди ЎзФАНнинг вице-президенти Тохир Орипов "Туркистон-пресс" муҳбирига. — Институтнинг 16 та лабораториясида етти мавзу бўйича тадқиқот олиб бориб, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги каби қатор соҳалар ривож учун зарур натижаларга эришилди. Илмий муассасада Германия, Италия, Фран-

ция, Россия, Украина мамлакатлари билан ҳамкорликда ҳам кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Бунда академик З.Салимовнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Шуларни инобатга олиб, Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ўзбек-кимёгар олимни ўзининг нуфузли мукофоти билан тақдирлади.

Олимнинг номи халқаро илмий жамоатчилик орасида ҳам яхши таниш. Англиянинг Кембриж шаҳрида ҳар йили чоп этиладиган "Инсон — муваффақият" халқаро энциклопедик нашрининг навбатдаги жилдида академик ҳақида маълумот берилди. АҚШнинг Шимолий Каролина штатидаги Америка таржимаи ҳол институти нашри — "Машхур кишилар халқаро китоби"га ҳам унинг номи киртилди.

Олимнинг Нью-Йорк Академиясига академик қилиб сайланиши ҳам унга билдирилган ҳурмат-иззат рамзи бўлди.

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси қошида фаолият кўрсатаётган маданият маркази яхши ташаббус билан чиқди. Марказнинг саъй-ҳаракати билан Тошкент давлат педагогика университети ва Мисрдаги Хелван университети ўртасида ҳамкорлик алоқаси йўлга қўйилди.

МИСР УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕК ТИЛИ

Шу муносабат билан ҳар икки олий ўқув юрти орасида узоқ мuddатли шартнома тузилди. Хелван университети делегациясининг Тошкент давлат педагогика университетидаги учрашуви чоғида ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини таъминлашга қаратилган яна кўпгина масалалар кўриб чиқилди.

Илмий, ўқув-услубий алоқаларни кенгайтириш билан бирга ўзбек ва араб тилларини ўқитиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Эндиликда Тошкент педагогика университетида араб тили, Хелван университетида ўзбек тилидан ўқув машғулотлари йўлга қўйилди. Шу мақсадда ҳар икки олий ўқув юртидан мутахассислар жалб этилади.

"Туркистон-пресс"

Мисрда олим

ЯЁВ ЮРИБ ТУРАСИЗМИ?

Ҳар куни ярим соат яёв юриб туриш қон қуюлиши дардининг олдини олар экан.

Янги бир изланиш мияда қон қуюқлаша бошлаган пайтларда мия қон томирларидан қон босимини бот-бот ўлчаб туриш қон қуюлиши натижасида қон айланиш системасида содир бўлаётган ўзгариш қанчалик хавфли эканини аниқлашга ёрдам беришини кўрсатди. Бу айни чоғда ҳар бир бе-мор учун унга мос даво усулларини белгилашга ҳам ёрдам қилади. Чунки қон қуюлиши оdatда қон босимининг кўтарилиши ёки қон таркибидаги ёғ микдори нисбатининг кўпайиши натижасида содир бўлади.

Изланишлар қутилмаганда кишининг хатти-ҳаракати, ҳиссиёти, гоҳида эс-хушидаги ўзгаришлар, ўзига ўхшамай қолишлари қон қуюлиши белгиларидан бири бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Мисрнинг «Айн Шамс» университети тиббиёт факультети руҳий ва асаб хасталиклар бўйича устоз ўқитувчи, доктор Асон Абдулгани қон қуюлишининг олдини олиш учун ҳар куни камидан ярим соат пиёда юриб туришни маслаҳат берди.

БОЛАДА НИМА АЙБ?

Мисрда олиб борилган илмий изланишлар чекувчи ота-онадан дунёга келган фарзандларнинг аксариятида ўпка зарарланган бўлишини кўрсатди.

Ал-Мансура университети болалар хасталиги бўлимининг устоз домласи, доктор Аҳмад Мансур ўтказган тажрибалар чекувчи ота-онадан турилган деярли барча боланинг ўпка фаолияти бузилган бўлишини кўрсатди. Тажрибалар мамлакатнинг Ад-Даҳқлил вилоятидаги 9-12 ёшлардаги 310 мактаб ўқувчиси орасида олиб борилди. Мазкур болалар икки гуруҳга бўлиниб, бирига отаси ёки онаси чекувчи 160 ўқувчи, иккинчи гуруҳга ота-онаси чекмайдиган 150 ўқувчи киритилди. Сўнгра уларнинг ўпка фаолияти, ўпка сиғими ва нафас олишни кучи нуқтаи назардан текширилди. Натижада биринчи гуруҳга киритилган болаларнинг ўпка фаолияти иккинчи гуруҳ болаларига қараганда анча суст ишлаётгани аниқланди.

Изланишларнинг яна бир фалати томони шунда бўлдики, чекишнинг она қорнидаги ҳомиланинг ўсиши, хасталикларга чидамлилиги ва қаршилиқ қобилияти, нафас олиш имкониятига салбий таъсири борлигини кўрсатувчи қатор далил ва исботлар борлигига қарамай, аёлларнинг баъзиларида ҳомилдорлик пайтида чекиш уларнинг фарзандлари ўпка функциясига деярли таъсир кўрсатмаган ҳоллар ҳам учради.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР! «ROYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2003 йилнинг 7, 14, 21, 28 ноябрь 5, 12, 19, 26 декабрь кунлари аукцион савдоларини ўткази

Савдоларга қуйидаги объектлар қўйилади:

• Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АН 109 бўлган ГАЗ 310200 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 1 800 000 сўм.

• Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилик Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АН 339 бўлган ГАЗ-24 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 500 000 сўм.

• Тошкент шаҳар ҳокимлиги Оболонлаштириш бош бошқармасига қарашли Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Охунбобоев кўчаси, 34-уйда жойлашган «Қисқа мuddатли автомобил тўхташ жойлари хизмати» асосий воситалари ва айланма активларининг 75 фоиз улуши. Бошланғич нархи 9 849 675 сўм ёки 13 132 АҚШ доллари.

• Тошкент фуқаро иншоотлари ва сув таъминоти дистанциясига қарашли Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Фитрат кўчаси 33/1-уйда жойлашган бинонинг майдони 116 кв.метрга тенг бўлган қисми. Бошланғич нархи 3 971 243 сўм.

2003 йилнинг 5, 12, 19, 26 декабрь кунлари ўтказилган аукцион савдоларига қўридагиларга қўшимча тарзда:

• Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Назруллаев кўчаси, 40 «б»-уйда жойлашган «Тошкент халқаро аэропорти» ДУКга қарашли қурилиши тугалланмаган 86-хонадонли турар-жой биноси. Бошланғич нархи 427 600 169 сўм.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдолар бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдодо қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоиз миқдоридagi закалат пулини «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамгармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайди.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16 «А» уй.

Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

«ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2003 йилнинг 31 октябрь кунини ўтказилган аукцион савдоларида: «TOSHINVESTQURILISHBUTLASH» унитар корхонасининг давлат рақами 16-92 ТНВ бўлган «ГАЗ-310200» русумли автотранспорт воситаси 2 750 000 сўмга, Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг давлат рақами 50-98 ТНД бўлган ИЖ-2715-011 русумли автотранспорт воситаси 450 000 сўмга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини Девони Ишлар бошқармасининг хўжалик ҳисобидаги молдий-техника таъминоти ҳисобидаги давлат рақами 51-62 ЕФ бўлган МАЗ-83781 русумли автотиркамаси 3 900 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

«ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси газетанинг 2003 йилдаги 10 октябрь сонида берилган эълонида кўрсатилган «Тошкентвино» ОАЖга қарашли автотранспорт воситалари бўйича закалат пуллари тўлаш учун банк маълумотлари қуйидаги тахрирда ўқилишини маълум қилади: «ROYTAXT AUKSION» ДУК Уйжойжамгармабанкнинг Тошкент шаҳар бўлимидаги, банк коди 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001.

Муҳтарам юртдошлар!

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал

банкларидан бири бўлмиш

ХАЛҚ БАНКИнинг

ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

Пойтахт аҳолиси ва шаҳримиз меҳмонлари учун «СОВРИН» қисқа мuddатли, ютуқли омонатини тақлиф қилади.

Омонатга маблағлар 2004 йилнинг 1 апрелига қадар қабул қилиниб, ҳисоб варақаси очилади ва 6 ой мuddатга йиллик 10 фоиз миқдорида даромад тўланади ҳамда қўшимча равишда апрель ойининг иккинчи ўн кунлигида ютуқлар тиражи ўтказилади.

Сиз, омонатингизга ҳисобланган даромадларни олиш билан бир қаторда 500000 сўмгача бўлган кўплаб пул ютуқлари соҳибларидан бири бўлиш имкониятига эгасиз.

Мазкур омонатга пул маблағлари банкнинг Тошкент шаҳри худудида фаолият кўрсатаётган барча филиаллари, мини-банклари ва шохобчалари орқали қабул қилинади.

Халқ банки — аҳоли омонатларининг сақланиши Давлат томонидан қафолатланган

ЯГОНА БАНҚДИР!

Мурожаат учун телефонлар: 45-66-43, 45-35-58.

Сўғибол

**СЎНГИ
ТУР НАТИЖАЛАРИ**

Ўтган кунги ўтказилган мамлакат XII миллий чемпионатининг сўнги 30-тур беллашувлари пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган жамоалар учун омад келтирмади. Хусусан, ўз майдонида «Пахтакор» футболчилари билан куч синашган «Кўкон-1912» жамоаси кескин курашлар остида ўтган қизиқарли баҳсда 3:2 ҳисобида ғалаба қозониб олий лигадаги мавқеини сақлаб қолди.

Колган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Сурхон» — «Насаф» 1:2, «Цементчи» — «Бухоро» 2:0, «Дўстлик» — «Андижон» 2:1, «Гулистон» — «Нефтчи» 0:3, «Машъал» — «Навбахор» 2:2, «Металлург» — «Трактор» 2:0, «Қизилқум» — «Самарқанд-Динамо» 3:1.


**ИШҚИБОЗЛАР
ҚУВОНЧИ
ЧЕКСИЗ**

Кеча «Жар» ўйингоҳида бўлиб ўтган ҳам ўсмирлар, ҳам ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати саралаш мусобақалари ишқибозлар кўнглини шод этди.

Бутан ўсмирлар терма жамоаси билан куч синашган ҳамюртларимиз тезкор, ҳужумкор ва комбинацион ўйин намойиш этишиб рақибларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади. Улар бутанликлар дарвозабонини олти марта ўз дарвозасидан тўп олиб чиқишга мажбур қилишди. Футбол муҳлисларига қувонч бахш этган голларни Усмонов (3 та), Набиев (2 та), Пўлатовлар йўллашди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг Бутан ёшлар терма жамоаси билан ўтказган учрашуви ҳам майдон эгаларининг устунлигида кечди. Шунинг қувонч билан айтиш жоизки, 90 дақиқа мобайнида ҳавфли вазиятлар асосан бутанликлар дарвозаси олдида кечди. Ҳужумкор, тезкор ўйин натижасида меҳмонлар дарвозаси беш марта ишғол этилди. Рақиблар дарвозасига тўпларни Бикмаев (2 та), Абдуллаев (2 та), Азизхўжаевлар киритишди. Хулоса қиладиган бўлсак, ўсмирларимиз ҳам, ёшларимиз ҳам Осиё чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлишди.

«Yaksart» хусусий фирмаси жамоаси Бош директор Малика Аксаровна Караматовага онаси **Диларам УСМАНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.




СПОРТИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ

ҒАЛАБАГА ЕТАКЛАГАН ОМИЛЛАР

Кейинги йилларда юртимизда эркин ва юнон-рум кураши тобора ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиз спортчиларининг олимпиада ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари, бошқа йirik нуфузли турнирларда курашнинг ушбу турлари бўйича эришаётган салмоқли муваффақиятлари фикримиз далилидир.

Шу йилнинг бошида ҳамшаҳримиз — «Динамо» спорт жамиятининг вакили халқаро тоифадаги спорт устаси Магомед Ибрагимов ўзининг эронлик кучли рақиби Халеги Фарани енгган ҳолда эркин кураш бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолиб чиқди. Фақат сабот, кунт ва улкан меҳнатсеварлик, ўз кучига ишонч фазилатлари иқтидорли курашчимизга ўтган йилларда бир неча бор мағлуб бўлган эронлик тажрибали курашчини енгилса ёрдам берди...

Магомеднинг олдига қўйган режалари бисёр. Ёш, ма-



ҳоратли курашчи келгусида тажрибасини янада оширган ҳолда катталар ўртасида ҳам Осиё ва жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган ҳолда юртимиз доврғини жаҳонга таратиш ниятида.

Даврон НУРМАТОВ
СУРАТЛАРДА: ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Магомед Ибрагимовга мураббийси Владимир Орлов йўл-йўрик бермоқда; умидли курашчимиз машғулот пайтида. **Алексей Попов олган суратлар.**

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда олинган тезкор маълумотларни юзага чиқариш мақсадида махсус ташкиллаштирилган тадбир натижасида Яққасарой тумани, Баҳриддин Хилолий кўчасидаги хонадонларнинг бирида С.Раҳимов туманида истиқомат қилувчи А.Азатга тегишли бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонуний олиб кирилганлигини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжатларсиз ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан Республика ҳудудига олиб кириш расман рухсат этилмаган Қозоғистон Республикасида чоп этилган ҳар хил турдаги газета ва журналлар сақланаётганлиги маълум бўлди.

Аниқланган наشريёт маҳсулотларининг умумий қиймати 1 миллион сўмни ташкил этди.

Ушбу ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, аниқланган ашёвий далиллар вақтинча олиб қўйилиб, божхона омборига жойлаштирилди. Айни пайтда бошқарма томонидан божхона суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

● Худди шу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг Контрабанда ва Божхона қонунчилигининг бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан олиб борилган чора-тадбирлар натижасида, Шайхонтоҳур тумани, Навоий савдо растасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, 1974 йилда Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилоятида туғилган, Юнусобод туманида истиқомат қилувчи М.Отабекка тегишли бўлган «Моторолла» дўкони текширилганда, ҳеч қандай ҳужжатларсиз, чет элда ишлаб чиқарилган, 5 хил турдаги, умумий нархи 1 миллион 400 минг сўм бўлган уяли телефонлар ва уларга эҳтиёт қисмлар берлиги аниқланди. Хусусий тадбиркор М.Отабек ушбу ҳақ истеъмоли молларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонуний олиб кирилганлигини ва божхона тўлов-

ларини тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим эта олмади.

Ушбу ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, аниқланган товарлар вақтинча олиб қўйилиб божхона суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

● «Тошкент—Марказий» темир йўл бекатида Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг Контрабанда ва Божхона қонунчилигининг бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида, 6-сонли «Москва-Тошкент» йўналишидаги йўловчилар ташиш поездининг 9-вагон, 4-қулпесида келган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Тошкент вилояти, Зангиота туманида истиқомат қилувчи М.Искандар тегишли божхона баённомасини тақдим қилмасдан, божхона назоратини четлаб, ишлатилиб бўлинган чойшаблар жойлаштирилган қопнинг ичига 3 та картон қутида радиодетал эҳтиёт қисмларини жойлаштириб, яширинча ҳолатда олиб ўтмоқчи бўлгани аниқланди. Ушбу юкларнинг нархи қарийб 1 миллион 610 минг сўмни ташкил этди.

Хозирги кунда ушбу ҳолат юзасидан ҳам божхона суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси матбуот хизмати

Ҳима? Қаргон? Қаерда?

4-9 ноябрда

4 ноябрда:
«Зарафшон» концерт залида «Буюртма муҳаббат» янги бадиий фильм соат 13.00, 15.00, 17.00, 19.00 да бошланади.

● Алишер Навоий номидаги Санъат саройида «Тақдир» бадиий фильми соат 11.00, 13.30, 16.00, 18.30 да намойиш этилади.

● Ўзбек Миллий академик драма театрида У.Шекспир асари «Гамлет» спектакли соат 18.00 да бошланади.

● Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида Т.Минуллин асари «Дилафрўзага тўрт ошиқ» спектакли соат 18.00 да намойиш қилинади.

5 ноябрда:
● Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театрида Ф.Шопенинг «Шопениана» балети соат 18.00 да кўрсатилади.

● Аброс Ҳидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театрида М.Ашурованин «Қаердасан Наврўза?» спектакли соат 10.00, 12.00, 14.00 да бошланади.

6 ноябрда:
● Ўзбек Миллий академик драма театрида А.Кассоне асари «Етти фарёд» спектакли соат 18.00 да намойиш қилинади.

● Ўзбекистон Ёшлар театрида «Катта қопкон» рок-тоқшоуси соат 11.00 да кўрсатилади.

7 ноябрда:
● Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида Х.Хурсандов асари «Ўлдинг, азиз бўлдинг» спектакли соат 18.00 да бошланади.

● Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида «Минг бир кеча» спектакли соат 11.00 да намойиш этилади.

8 ноябрда:
● Тошканбой Эгамбердиев номидаги Тошкент давлат циркида Никулин цирки иштирокидаги Евро цирк супер шоуси куйидаги томошаларни кўрсатади. Ўзбекистонда илк бор патагон денгиз шерлари, айиқлар, маймун ва отлар, эшак ва кучуқлар, шерлар, йўлбарслар, кулги қироллари, масҳарабозлар гуруҳи иштирок этади. Томошалар соат 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.

● Республика кўғирчоқ театрида «Шоу концерт» 10.00, 13.00 да бошланади.

9 ноябрда:
● Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театрида «Али бобо ва қирқ қароқчи» операси соат 12.00 да, «Дон Кихот» балети эса соат 17.00 да намойиш этилади.

● Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида С.Имомов асари «Суперқайнона» спектакли соат 18.00 да бошланади.



**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**
Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажини — 2 босма табоқ офсет
услуди босилади.
3871 нусхада босилади. Қозоқ биринчи А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.**
Нашр кўрсаткичи — 563
Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
10-радан билан рўйхатга

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент пошта»га — 133-7405 телефонга мурожаат қилинганга мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.